

October, 10<sup>th</sup> 2021

## THE CONCEPT OF THE CONCEPT AND ITS RELATION TO LINGUOCULTURAL STUDIES

Rakhmatullaeva Guljamon Normumin's daughter  
(Samarkand State Foreign Languages teacher of the institute)

**Abstract:** From a linguocultural point of view, a concept is a basic unit of culture, and its structure includes the features that can be considered as such a unit, ie etymology, historical, modern associations of the concept, its attitude or evaluation, and others.

### КОНЦЕПТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНИГ ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИККА МУНОСАБАТИ

Рахматуллаева Гулжакон Нормүмин қизи  
(Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси)

Лингвомаданий нұқтаи назардан концепт маданиятнинг асосий бирлиги ҳисобланиб, унинг таркибиға уни шундай бирлик деб ҳисоблашга асos бўла оладиган белгилар, яъни этимологияси, концепт тарихи, замонавий ассоциациялари, унга муносабат ёки уни баҳолаш ва бошқалар киради.

XX-асрнинг 60-йилларида когнитив тилшунослик тилнинг семантик аспектига ўз таъсирини ўтказа бошлади. Бу комплекс аспектда инсон тили ва ментал (рухий) фаолиятнинг ўзаро таъсири, яъни инсон тили ва билиш фаолиятини ўрганувчи фандир. Когнитив тилшуносликнинг асосчиси Америкалик лингвист ва психолог Наом Хомский ҳисобланади. У билиш назариясига ижодий ёндашади ва когниция тушунчасини қуидаги уч асосий масалалар билан боғлайди:

1. Билишнинг табиати (билиш нимани ифодалайди)
2. Инсон онгига билимлар системасининг шаклланиши
3. Билимни маълумотлар банки шаклида компьютерда ва замонавий тадқиқот технологияларида қўллаш [2].

Замонавий тилшуносликда когнитив тилни тушунча нұқтаи назаридан ўрганадиган соҳаси ҳисобланади. Бу тушунчалар аниқ бир тилда баъзан универсал, баъзан махсус холда бўлади. У бу томони билан семантикага ўхшаб кетади, лекин психолингвистикадан фарқ қиласи. Когнитив тилшунослик учта асосий ҳолатни кузатиш билан характерланади.

Олимларнинг аниқлашларича, когнитив тилшунослик маълумотларни трансформациялаш ва кодлашда асосий роль ўйнайдиган когнитив механизм сифатида ўрганилади. Замонавий когнитив тилшуносликнинг ва лингвокультурологиянинг асосий атамаларидан бири бу - концептдир. У инсоннинг тафаккур хусусиятлари ва қурилиши билан боғлиқ бўлган муаммолар билан қизиқувчиларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Концепт табиати ҳақидаги турли қарашларни таҳлил қиласи, олимлар аниқ бир холосага келдилар: концепт - бу абстракт номлар тури эмас, халқ томонидан асрлар мобайнида тўпланиб келинган билим ва малакалар, уларни ўрганиб чиқишининг асосий ракурси.

Охирги вақтларда Ўзбекистонда концептни ўрганишга бағишлиланган илмий тадқиқотлар сони ўсиб бормоқда. Замонавий тилшуносликда концепт табиатини тадқиқ қилиш биринчи даражали муҳим роль ўйнайди. Масала шундаки, концепт тушунчаси мавжуд, аммо, ҳозирги даврда ўз тадқиқини кутиб ётган муаммолар бисёр.

October, 10<sup>th</sup> 2021

conferencepublication.com

“Концепт” - атамаси тилшунослиқда ҳам янги ҳам эски атама ҳисобланади. Ҳозирда тилшунослиқда концепт түшүнчесига жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. 1974 йиллар атрофида анъанавий тилшунослиқда концепт атамаси ўзгача чуқур изоҳлар талаб қиласидиган муаммо сифатида қараларди. Концепт түшүнчесидан тұла ҳуқуқли фойдаланиш 80-йилларда инглиз авторлари Чейф, Р.Жакендоф, Г.Лакоф, Р.Лангакерларнинг асарларини таржима қилиниши билан боғлиқ.

Айнан ўша матнларда одатда концептуализация, концептуал моҳият атамалари учраб туради. Концепт түшүнчесининг луғавий маъноси устида күргина авторлар ҳар хил фикрларни билдиришади. Унга мантиқий категория, амалий фалсафа түшүнчеси, миллий менталитетнинг асосий бирлиги сифатида қарайдиганлар ҳам бор. Когнитив атамалар луғатида “концепт” атамасига қуйидагича таъриф беради: концепт - бизнинг тафаккуримиздаги ақлий ва психик ресурсларининг инсон билим ва малакаларида акс этишига хизмат қиласидиган түшүнчадир.

“Концепт” атамаси замонавий тилшунослиқда у ёки бу лексик бирликнинг тафаккурдаги образини ифодалаш учун қўлланилади. Қундалик илмий ижодда тез-тез концепт атамаси түшүнча билан синоним сифатида қўлланилади. “Концепт”- лотинча “conceptus” сўзидан олинган бўлиб, түшүнча маъносини билдиради. Концепт түшүнчалар йиғиндисидир. Масалан, бирор предмет ҳақида айтилган ёки билдирилган ҳар қандай фикрлар йиғиндиси концептни ташкил этувчилиариdir.

Когнитологиянинг таянч нуқтаси бўлган тилшуносликтин когнитив кўриниш олиши нима билан боғлиқ ва унинг тадқиқот обьекти, мақсади ва вазифалари нималардан иборат? Ҳар бир фан тарихида юксалиш, тараққиёт, ривожланиш даври бўлганидек, инқизор, таназзул босқичлари бўлиши ҳам муқаррар. Бундай ҳолатнинг юзага келиши ўз-ўзидан олимлардан ўрганилаётган обьектга янгича нигоҳ билан қарашни, олдингиларидан фарқ қиласидиган нуқтаи назардан ёндашувни талаб қиласиди.

Табиийки, барча йўналишдаги лингвистик тадқиқотларнинг ўрганиш обьекти ягона тил тизими ёки аниқроғи, лисоний фаолият ва унинг маҳсули. Аммо, уларнинг барчасида (систем-структур тилшунослиқ, психолингвистика, социолингвистика, матн тилшунослиги ва ҳ.к) асосий эътибор тайёр маҳсулот сўз, сўз бирикмаси, гап ва матн кабиларнинг тузилиши ва таркибини, маълум ҳолларда маъно хусусиятларини ўргатишга қаратилган. Тайёр маҳсулот таҳлили билан қизиқаётган бу соҳалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик етарли даражада эмас.

## Адабиётлар

1. Лакоф Дж. Мышление в зеркале классификаторов / Пер. с англ. Р.И.Розиной // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XXIII. Когнитивные аспекты языка. - М.: Прогресс, 1988. - С. 12-51.
2. Хомский Н. Язык и мышление. Язык и проблемы знания. - Благовещенск: Благовещенский гуманит. фонд им. И.А.- Бодуэна де Куртенэ, 1999. -253 с.